ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАННОПОВ ИСЛОМБЕК СУЛТОНАЛИЕВИЧ

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ҲИКМАТНАВИСЛИК АНЪАНАСИ ВА ТАДРИЖИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2019

УДК: 8(09).155.4.808

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Маннопов Исломбек Султоналиевич
Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси ва тадрижи.....3

Маннопов Исломбек Султоналиевич
Традиция и эволюция создания хикматов в узбекской классической литературы..... 27

Mannopov Islombek Sultonaliyevich
Tradition and evolution of creating khikmats in uzbek classic literature…….....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....57

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАННОПОВ ИСЛОМБЕК СУЛТОНАЛИЕВИЧ

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ҲИКМАТНАВИСЛИК АНЪАНАСИ ВА ТАДРИЖИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.I.PhD/Fil.420 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган**.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сайфиддинов Рафиддин**
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Абдуқодиров Абдусалом**
филология фанлари доктори, профессор

Болтабоев Ҳамидулло
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи DsC.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151,Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил«_____» _____даги __ __ - рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

А.А.Сабирдинов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ҳикматнавислик анъанасининг шаклланиши, тадрижий такомили ва поэтик хусусиятлари Аҳмад Яссавий ижоди мисолида кўрсатилган. Яссавий издошлари бўлган шоирларнинг асарлари, хусусан, ҳикматнавислик анъанаси мавжудлиги эътироф этилган. Шу маънода улардаги анъанавийлик, ворисийлик, издошлик, янгилик ва ўзгаришларни ёритиш катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳикматнавислик анъанаси ва унинг илмий-назарий хусусиятларини ўрганишда дунё адабиётшуносларининг назарий ҳамда амалий муаммоларга бағишланган тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. Манбаларда асосий эътибор ҳикматнавислик анъанаси мавжудлиги ва шу йўлда ижод қилган шоирларнинг асарларини ўқувчига етказишга эътибор қаратилган. Кузатишлардан келиб чиқиб, ҳикматнавислик анъанасида ҳикматларга нисбатан жанр атамасини қўллаш, унинг етакчи хусусиятларини ўрганиш, издош шоирлар асарларини қиёслаш, шоирларнинг ҳикматнавислик анъанаси тараққиётига қўшган ҳиссаларини кўрсатиш зарурати пайдо бўлди. 2016 йилги ЮНЕСКО Бош конференциясида Аҳмад Яссавий вафотининг 850 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши ҳам мазкур муаммонинг илмий-назарий кўламини кўрсатади.

Ўзбек адабиётшунослигида Аҳмад Яссавий ижоди ва унинг таъсирида юзага келган ҳикматнавислик анъанасини илмий мақсадларда ўрганиш анча аввал бошланган ҳамда бу борада муайян ютуқларга эришилган. Хусусан, адабиётшуносликда айрим ҳикматнавис шоирлар шеърларининг талқин ва таҳлили амалга оширилган. Бироқ бугунги кундаги эҳтиёж бу борада тўпланган билим ва тажрибалар етарли эмаслигини кўрсатади. Бу эҳтиёж ўзбек мумтоз адабиёти тарихида муҳим ҳодиса бўлган ҳикматнавислик анъанасини монографик тадқиқот объекти сифатида тавсифлаш, ҳикмат жанри такомили, ҳикматнавис шоирлар ижоди асосида шаклланган маърифий адабиёт йўналишининг ўзбек мумтоз поэтикаси тараққиётида тутган ўрнини белгилаш, жаҳон адабиётшунослигини бундан хабардор қилиш заруратини келтириб чиқаради. Зеро, «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»лиги[1] адабиётшунослик фани олдига ҳам назарий тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасида юксалтириш мажбуриятини қўяди. Хожа Аҳмад Яссавийдан сўнг у бошлаб берган услуб ва руҳда ҳикмат айтиш анъана тусини ола бошлади. Натижада, ўзбек тасаввуф адабиёти тарихидаги муҳим ҳодисалардан бири бўлган ҳикматнавислик мактаби шаклланди. Хусусан, Аҳмад Яссавийнинг издоши ва халифаси Сулаймон Боқирғоний бошлаб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – № 258 (6952).

берган бу анъана XIX асргача ўнлаб шоирлар томонидан изчил давом эттирилди. Янги давр мафкураси асосида Аҳмад Яссавий ҳамда ҳикматнавис шоирлар ҳаёти, ижодининг умумий ва ўзига хос томонларининг ўрганилиши ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон "Қадимий қўлёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотидан келиб чиқадиган натижалар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди, тариқати, шунингдек, издошлари ҳақида хабар берувчи бир қанча муҳим манбалар мавжуд. Улардан бири Муҳаммад Фуод Кўпрулизоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» номли асари ҳисобланади[2]. Яна бир муҳим манба Абдурауф Фитратнинг «Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» номли махсус мақоласидир[3]. Шунингдек, А. К. Боровков ўзининг «Очерки по истории узбекского языка» номли мақоласида Яссавий издошлари ҳақида тўхталиб ўтган[4].

Мустақиллик йилларида яссавийшуносликда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жумладан, Яссавий ҳикматларининг икки Когон нусхаси

---

[2] M. Fuod Koprulu. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı yayınları, 1991. – S. 467.

[3] Абдурауф Фитрат. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар // Маориф ва ўқитғувчи, 1928. №5-6.

[4] Боровков А. Очерки по истории узбекского языка. (Опеределение языка хикматов Ахмада Яссеви). Востоковедение, V. – Москва: Наука, 1973. – С.229.

ҳақида маълумотга эга бўлдик[5]. Шунингдек, Сулаймон Боқирғонийнинг «Боқирғон китоби» номли асарининг нашр қилиниши яссавийшуносликдаги муҳим ҳодисалардан бири бўлди[6]. Мазкур китоб сўзбошисида Сулаймон Ҳаким ота ҳақида маълумотлар берилиб, айрим ҳикматлар таҳлилга тортилган. «Занги ота»[7] рисоласига илова қилинган «Ҳаким ота маноқиби» янги тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилмоқда.

И. Ҳаққулов ўзининг тадқиқотларида Сулаймон Боқирғоний ижодиётини яссавийлик тариқати ва адабий анъаналари билан бевосита боғлиқ равишда текширганлиги навбатдаги изланишларга ўзига хос туртки бўлди[8].

А. Ҳайитметов «Боқирғон китоби»даги шеърий қиссаларни текшириб, «Ҳаким ота достонлари» номли мақола эълон қилди[9]. Адабиётшунос С. Рафиддинов 1894 йил Тошкентда «Каменский» матбасида Аҳмад Яссавий девонидан Азим Хожа Эшоннинг 26 ҳикматини нашрга тайёрлаб, сўзбоши ҳамда эски ёзувидаги матни билан чоп эттирди[10].

Ҳ.Болтабоевнинг Абдурауф Фитрат илмий меросига бағишланган тадқиқотида келтирилишича, у (Фитрат) ўзбек адабиётида яссавийлик анъанасини ўрганиб чиқиб, “Боқирғон китоби”га кирган ҳикматларнинг манбаларини аниқлаган ва уларнинг Машраб, Убайдий, Меҳвар каби шоирлар асарлари эканлигини исботлаган[11].

Яссавийлик мактабининг атоқли вакилларидан бири XVI асрда яшаб ижод этган ҳисорлик Султон Маҳмуд Ҳазиний ҳам Яссавий асос солган шеърий анъаналарни давом эттирган. Унинг форс-тожик тилидаги «Манбаул-абҳор фи риёзил-аброр» ва турк тилидаги «Жавоҳирул-аброр мин амвожил-биҳор» асарлари яссавийлик ғояларини тараннум этган тарихий, тасаввуфий-фалсафий, бадиий меросдир[12]. «Жавоҳирул-аброр»да яссавийликка оид ишқ ва ошиқлик, ирфон ва орифлик, дарвеш ва фақру фано, пир, шайх ва валийлик мақомлари каби тасаввуфий масалалар ўз аксини топган. Шу билан бирга, шукр, хилват, зикр, сабр каби тасаввуфий мавзулардаги ҳикматлари ҳам ўрин олган[13].

Яссавий издошларидан яна бири шайбонийлар сулоласига мансуб шоҳ ва шоир Абулғози Убайдуллахон «Девони ҳикмат» руҳида девон тузиб,

---

[5] Қораев Т., Бозоров А. Яссавий издошлари // Мулоқот. – Тошкент ,1994. № 9-10. – Б.42- 45.
[6] Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
[7] Занги ота (Тарихлари, ривоятлар, кароматлар). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2001.
[8] Ҳаққулов И. Ч. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами). Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент: ТАИ, 1995.
[9] Тафаккур. 2003 йил, 2- сон. Б.36-45.
[10] Азим Хожа эшон. Ҳикмат. Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
[11] Болтабоев Ҳ. ХХ аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фан. д-ри. ...дисс. –Тошкент: ТАИ, 1996.
[12] Нодирхон Ҳасан. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. Тошкент: Фан, 2001. – Б.6.
[13] Ҳасанов Н. Д. Султон Аҳмад Хазинийнинг «Жавоҳирул аброр мин амвожил биҳор» асари ва унинг яссавийшуносликдаги илмий-тарихий қиммати. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т.: ТАИ, 1999.

ҳикматлар ёзиш анъанасини ривожлантирди[14]. Яссавий шеърияти анъаналарини шакл, мазмун ва бадиий жиҳатдан янада бойитди.

М. Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида эса ҳикматнавислик анъанаси Убайдий фаолияти мисолида ўрганилган[15]. Олим Н.Ҳасан тадқиқотининг махсус бобларидан бири "Ҳикматнавислик анъанасининг давом этиши" деб номланган. Унда Яссавийнинг ҳикматнавислик анъанасини давом эттирган Сулаймон Боқирғоний, Ҳубби Хожа, Занги ота, Шайбонийхон, Убайдий, Қосим шайх, Азим Хожа ҳақида маълумот бериб, уларга тегишли баъзи ҳикматлар таҳлил қилинган. Шунингдек, олим ҳикматнавислик анъанасининг муҳим ҳодиса эканлигини таъкидлаб, бугунгача алоҳида тадқиқ этилмаганлигини маълум қилади[16].

О.Жўрабоев ўз мақолаларида XIX асрда яшаб ижод этган Азим Хожа эшон ҳаёти ва унинг қўлёзма девонлари ҳақидаги маълумотларни ёритган[17].

Айрим тадқиқотларда ҳам бу мавзунинг яссаввийшуносликда долзарб эканлиги таъкидланган[18].

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики, ҳикматнавис шоирлар ижоди юзасидан турли даражада фикрлар билдирилган бўлса-да, яхлит тадқиқот мавзуси сифатида монографик тарзда ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети "Поэтика муаммолари" илмий-тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Яссавий мактабига хос анъанавийлик ва издошлик тамойилларини аниқлаш, асослаш, шу орқали ҳикматнавислик анъанасининг ўзбек адабиёти тарихида муҳим ҳодиса эканлигини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хожа Аҳмад Яссавий анъаналарининг таъсир кўламини аниқлаш ва издош шоирлар ижодидаги шакл ва мазмун бирлиги, анъана ва ўзига хосликни очиб бериш;

ҳикмат жанрининг шаклланиши, тадрижий такомили ва тараққиёт босқичларини кўрсатиш;

---

[14] Қул Убайдий, Убайдий, Убайдулла тахаллуслари билан ижод қилган бу шоирга мансуб қўлёзма асар А.Беруний номидаги Тошкент шарқшунослик қўлёзмалар институтида 8931-рақам остида сақланмоқда. Унинг куллиёти 700 бетдан зиёд бўлиб, уч мустақил девондан ташкил топган.

[15] Абдуллаев М.Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТАИ, 2000. М.Абдуллаев Яссавий ва Убайдий ижодий муносабатларига ҳам қисман тўхталиб ўтган.

[16] Ўша манба. – Б. 178-221.

[17] Жўрабоев О. Азим Хожа Эшон ва унинг девони қўлёзма нусхалари борасида // Адабиёт кўзгуси. №11. 2009. – Б.18-22; Қўқон адабий муҳити: кеча ва бугун / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Қўқон, 2010. – Б.76-86.

[18] Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000. – Б.18. Ҳасанов Н. Д. Султон Аҳмад Хазинийнинг «Жавоҳирул аброр мин амвожил биҳор» асари ва унинг яссавийшуносликдаги илмий- тарихий қиммати. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТАИ, 1999. – Б.5.

қадимий манбалар асосида ҳикмат жанрида ижод қилган шоирларга оид маълумотлар, шунингдек, улар ижодий меросини излаб топиш ва адабий манбалар сирасига киритиш;

ҳикматнавис шоирлар ижодида вазн ва қофия муаммоларининг ҳал этилиши ҳамда улардаги бадиий-ахлоқий ғояларни ифодалашда ижодкорларнинг услубий маҳоратини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзФАШИ қўлёзма асарлар бўлимида 288-инвентарь рақам билан сақланаётган باقرغان كتابى (Боқирғон китоби) деб номланган тошбосма, мазкур бўлимда 8931-инвентарь рақам билан сақланаётган كليات عبيدى (Куллиёти Убайдий), 2619- II инвентарь рақам билан сақланаётган ثمرات المشايخ (Самарат ул-машойих), 638-инвентарь рақам билан сақланаётган لمحات من نفحات القدس (Ламаҳот мин нафоҳат ул-қудс) деб номланган қўлёзма асарлардаги лирик, лиро-эпик жанрлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини Яссавий ҳикматлари услубида ижод қилган ҳикматнавис шоирлар қаламига мансуб ҳикмат ва шеърий қиссалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, генетик, тавсифлаш ва таснифлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Аҳмад Яссавий ижоди таъсирида ҳикматнавислик анъанасининг пайдо бўлиши, XII асрдан XIX асргача тадрижий давом этганлиги ҳикматнавис шоирлар ижоди асосида исботланган;

ҳикматнавислик анъанасидаги яссавийлик тариқати, илм, ирфон ва ахлоқ тарғиботининг маърифий адабиёт йўналишида давом этганлиги илмий асосланган;

ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳикмат жанрининг тадрижий такомили, унинг вазн, синкретик, ижрочилик, этно-ритуаллик сингари хусусиятлари белгиланган;

ҳикматнавис шоирлар ижодида мавзу ва ғоя, тил ва услуб, вазн ва оҳанг сингари поэтик масалалар, анъана ва издошлик тамойиллари, ижодкорларнинг шеърий маҳорати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодининг таъсир кўлами, ҳикматнавислик анъанасининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тадрижи, ҳикматнавис шоирлар ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий ва маноқибий характердаги маълумотлар, ҳикмат жанри ҳақидаги илмий хулосалар “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Тасаввуф ва мумтоз поэтика”, “Мумтоз поэтика тарихи”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари” каби фанлардан яратиладиган дарслик, қўлланма ва луғатларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот доирасида эълон қилинган илмий мақолалар адабиёт таълимида талаба ва ўқувчиларнинг ўзбек мумтоз адабий мероси борасидаги билимларини оширишдаги амалий аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ҳикмат битган ҳикматнавис шоирларнинг ҳаёти, шахсияти, ижодиёти қимматли манбалар асосида ва адабиётшуносликдаги назарий қарашларга мувофиқ илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ҳикматнавис шоирлар адабий меросига оид қўлёзма ва тошбосма нусхалардаги шеърий матнлар, уларнинг мавзу ва ғоя, вазн ва шакл, бадиий маҳорат ва бошқа ўзига хос томонларининг анъана ва издошлик тамойиллари асосида аниқланиши тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шарқ тасаввуф адабиёти тарихи, унинг шаклланиши, хусусиятларини ўрганишда ҳамда олий таълим муассасалари филология факультетлари талабалари учун мумтоз адабиётимиз тарихига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда муҳим манба сифатида фойдаланиш имконини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳикматнавислик анъанасининг генезиси ва такомили, ҳикмат жанрининг хусусиятларини очиб бериш жараёнида илмий, маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

Алишер Навоийнинг яссавийликка оид фикр-мулоҳазалари, туркий машойихларга доир хулосалари, Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари ҳаёти ва ижодига муносабати, “Девони ҳикмат” туркона ижодий услубининг вужудга келиши учун асос бўлганлиги, ўзбек мумтоз шеъриятида бармоқ шеър тизимининг қўлланиши, туркий аруз шеър тизимининг юзага келиши сингари натижалардан;

“Девони ҳикмат”да биринчи бўлиб ишқ, май, соқий, пири муғон, фано, бақо, зикр сингари ўнлаб ирфоний истилоҳлар қўлланганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтидаги ПЗ-20170930220 рақамли “Навоий қомусини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш” мавзусидаги фундаметал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 27 февралдаги 3/1255-532-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳадаги Алишер Навоий ижодида фаол қўлланган истилоҳлар мазмуни, уларнинг генезисини аниқлаш, мумтоз шеъриятда ижодий услуб ва шеър тизимларини белгилаш каби масалалар ўз ечимини топган;

ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанасининг XII асрда вужудга келганлиги, миллий адабиётимиз равнақи ва халқимиз маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги, Яссавий ҳикматларининг мусиқий ўқилиши, миллий вазн – бармоқ шеър тизимида ёзилганлиги жиҳатидан бошқа жанрлардан фарқланиши, ҳикматнавис шоирлар томонидан ўзбек

мумтоз адабиётида туркона ижод услубига асос солинганлиги ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида ижодкорлар адабий-назарий билимини ошириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш, турли тўгарак ва семинарлар ўтказишда ҳам фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг 11.04.2019даги 21-м 03/17-сон маълумотномаси). Натижада, тўгарак ва семинарлар фаолиятининг илмийлиги ва самарадорлиги ошган;

ҳикмат жанри ва ҳикматнавислик анъанасига оид маълумотлардан 2017-2019 йилларда ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали ДУК "Бедорлик" дастури (02.04.2018) ҳамда "Таълим ва тараққиёт"(10.11.2018), "Ижод завқи" (21.10.2018), "Ҳамроҳ,"(24.12.2018) эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 21.12.2018даги O'z18-1-228-сон маълумотномаси). Натижада, Аҳмад Яссавий ижодига бағишланган радиодастурларнинг илмийлиги, салмоғи ва оммабоплиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та республика конференциясида, 2 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Ишнинг мавзу ва моҳиятини ўзида акс эттирган 13 та илмий иш нашр қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттетация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республикада ҳамда 1 таси хорижда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топиб, 149 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **Аҳмад Яссавий ва ҳикматнавислик анъанаси** деб номланган. Бобнинг Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодининг таъсир доираси номли биринчи фаслида ушбу масалага тегишли тадқиқотларнинг моҳияти, ҳикматнавислик анъанасининг пайдо бўлиши ва

шаклланиши, ҳикмат ёзиш анъанасининг XII асрдан XIX асргача бўлган даврда давом этганлиги ёритилган.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг ўзбек халқи маънавий ҳаётида тутган муҳим ўрни биринчи туркий тариқатга асос солганлиги билан изоҳланади. Яссавийлик кўп ўтмай жуда кенг ҳудудларга ёйилди. Болқон ярим ороли ҳудудларида яссавия дарвешлари қабрлари мавжуддир. Авлиё Чалабийнинг «Саёҳатнома» асарида хабар берилишича, яссавия дарвешлари Москвада ҳам фаолият кўрсатганлар[19]. Д.С. Тримингэмнинг қайд этишича, XVI асрда яссавия шайхлари Кашмирда ҳам мавжуд бўлганлар[20]. Инглиз олими Ж.Флетчер "Марказий Осиёда тасаввуф ва Ма Минг-Хсиннинг янги таълимоти" ҳамда "Нақшбандия ва зикри арра" мақолаларида яссавия машойихларининг Хитойдаги фаолиятидан баҳс этади[21].

Хожа Аҳмад Яссавий "ҳикмат" деб номланган шеърлари билан ўзбек тасаввуф адабиётига асос солди. Араб ва форс тилларидаги тасаввуф адабиёти тажрибаларига таянди[22]. Туркий халқлар оғзаки ижодидаги диний қўшиқлардан илҳомланди. Яссавий ҳикматларининг вазни халқ шеъриятидан ўзлаштирилди. Бу ҳодисанинг асосий омилларидан яна бири туркий халқларнинг сўфийлик ғояларига эътибори, қизиқишининг эҳтиёжий маҳсули сифатида баҳоланиши керак[23].

Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавийдан сўнг ҳикмат айтиш анъанаси йўқолиб кетмади, аксинча, янада кучлироқ кўринишда давом этди.

Яссавийнинг ҳикматлари ва адабий мактаби туфайли улкан ҳудудларда ижод қилган туркийзабон шоирлар бир адабий тил атрофига жипслашдилар[24].

Фуод Кўпрули турк халқ адабиётининг пайдо бўлиши масаласига алоҳида урғу бериб, турк халқ адабиёти Ўрта Осиё туркий тасаввуф адабиётининг давоми эканлигини қайд этади.[25]

Татар халқи ва адабиёти тарихида ҳам Аҳмад Яссавий ва унинг халифаси Сулаймон Боқирғоний алоҳида ўрин тутади. Татар ёзма

---

[19] Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, Н. Ҳасан, А. Бектош. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б.336.

[20] Ўша асар. – Б.59.

[21] Ма Минг Синг исмли шайх XVIII аср охирида шимолий-ғарбий Хитой ва шимолий-шарқий Тибет ҳудудида жаҳрия (Яссавия) тариқатининг ташвиқотини олиб борган экан. Бу ҳақда қаранг: Ҳасан Н. Яссавийликка доир манбалар ва "Девони ҳикмат". Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, ТАИ, 2017. – Б.44.

[22] Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.154.

[23] Яссавий А. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат , 1991. Сўзбоши муаллифи И.Ҳаққулов.

[24] Турон ва Хуросондан ташқари, шарқда шарқда Мўғулистон-у шимолу ғарбда Волга бўйларидаги Олтин Ўрдагача Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи бўйларидаги Туркиягача улкан ҳудудларда ижод қилган туркийзабон шоирлар бир адабий тил атрофига жипслашганликларини қайд этади. Қаранг: Қодиров П., Тил ва эл. Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2005. – Б.30-53.

[25] Турк халқ тасаввуф адабиётининг Хожа Аҳмад Яссавийдан таъсирланганини илмий асослашга ҳаракат қилади. Хожа Аҳмад Яссавий таъсир этган ҳудудларни қуйидагича таснифлайди: «... 1. Қипчоқлар, яъни бугунги шимол тарафидаги туркийлар (татар, бошқирд, қозоқ ва ҳ.к.); 2. Туркманлар ҳудуди; 3. Озарийлар ҳудуди; 4. Ғарбдаги туркийлар, яъни Анадўли ва Рум (ҳозирги Туркия И. М.) ҳудуди». Қаранг: M. Fuod Koprulu. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı yayınları, 1991. – S. 174.

адабиётининг ривожи, аниқроғи, Қул Али (XIII аср), Қул Шариф (XVI аср), Мавлоқули (XVIII аср) сингари татар халқ шоирлари ижодида ҳикматларнинг таъсири очиқ сезилиб туради[26].

«Девони ҳикмат» таъсири масаласи кўлами жуда кенг. «Девони ҳикмат» таъсирида унинг мазмуни ва услубидаги ҳикматнавислик анъанасининг вужудга келиши ўзбек тасаввуф адабиёти тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Яссавийнинг шеъриятдаги биринчи издоши Сулаймон Боқирғонийдир[27]. Унинг «Боқирғон китоби» номли асари бизгача етиб келган. Бу эса ҳикмат айтиш анъанаси XII асрдан бошланган деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

«Боқирғон китоби»да «Ҳубби» тахаллуси қўйилган бир ҳикмат учрайди:

Тўлди умр паймонаси, ман йиғламай ким йиғласун,
Шайтон кўнгил ҳамхонаси, ман йиғламай ким йиғласун.
Ҳақдир карам ё Карим, Ҳубби умид тут, ема ғам,
Ёдга тушса дамбадам, ман йиғламай ким йиғласун. (Б.К. 25-А)

«Ҳубби» тахаллусидан ҳикмат муаллифи Ҳаким отанинг фарзанди Ҳубби хожа эканлиги аён бўлади[28]. Шунингдек, «Боқирғон китоби»да «Тож» (Тож Хожа), «Девони ҳикмат»нинг айрим қўлёзмаларида «Зангиқул», «Занги бобо» (Занги ота),[29] «Саййид ота» тахаллусли ҳикматлар ҳам жой олган. Бу тахаллусни Занги отанинг машҳур муридларидан Саййид Отага тегишли деб ўйлаймиз[30].

XV аср охири XVI асрларда яссавийлик тариқати ривожида янги бир давр бўлди. Яссавий услубида ҳикмат айтиш, ёзиш анъанаси янгидан жонланди. XV ва XVI асрларда Камол шайх Иқоний, Шамс Ўзгандий, Убайдий, Шайх Худойдод, Қосим шайх сингари машҳур яссавийлик тариқати вакиллари ҳикмат жанрида ижод этдилар.

«Рашаҳот», «Ламоҳот», «Самарат ул-машойих»да Камол шайх Иқоний, Шамс Ўзгандий, шайх Худойдодларнинг ҳикмат ёзганликлари ҳақида маълумот қайд этилган[31]. Улар ёзган ҳикматлар Шайбонийлар даврида жуда

---

[26] Тадқиқотчиларнинг ёзишича, нафақат қадимги давр, балки XVIII-XIX асрдаги татар тасаввуфий шеърияти ҳам бевосита Яссавий ва Боқирғоний адабий мактабидан илҳомланган. Бу даврнинг илғор адибларидан Абдурраҳим Утиз Иманий ал-Булғорий (1756-1834) ва Тожиддин Ёлчигўлнинг (1768-1838) ижодлари ҳам бевосита яссавия адабий мактаби билан боғлиқдир. Қаранг: Ҳасан Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2017. – Б.32.

[27] «Насойим ул- муҳаббат»да ҳам «Ҳикмат тили гўё бўлибдур» дея Ҳаким отанинг ҳикмат айтганлиги, туркийлар орасида машҳур бўлганлиги таъкидланади. Диссертация биринчи бобининг иккинчи фаслида бу асардаги маълумотларга ўз муносабатимизни билдириб ўтганмиз. «Ламаҳот» ва «Самаратул-машойих»да ҳам Ҳаким отанинг уч минг ҳикмат айтганлиги таъкидланади. Ҳикматнавис шоирлар ҳақида маълумот берувчи бу икки қимматли манба ҳақида кейинги фаслда батафсил тўхталиб ўтамиз.

[28] Фитрат «Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» мақоласида «Ҳубби» тахаллуси Ҳаким отанинг ўғли Хубби Хожа эканлигини айтади. Қаранг: Яссавий ким эди? (мақолалар ва ҳикматлардан парчалар). Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б. Дўстқораев. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – Б.38.

[29] ЎзР ФАШИ :№ 178/I (в.в 429б- 430а).

[30] ЎзР ФА ШИ: № 12441/ I (вв. 49а- 50а).

[31] Кейинги фаслда махсус тўхталиб ўтамиз.

машҳур бўлганлигини Убайдий тимсолида кўришимиз мумкин. Убайдий бир ҳикматида буни эътироф этади:

Ортар Убайдий ҳайратим, кайфиятимда ҳолатим,

Тутти жаҳонни ҳикматим, қолди ажойиб достон. (К. в.364)

XVIII асрнинг икинчи ярмидан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда Низомий Хўқандий, Жалолий, Гулшаний, Азим Хожа сингари шоирлар ҳикматнавислик ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар[32].

Хулоса қилиб айтганда, XII асрдан бошланган ҳикмат айтиш, ёзиш анъанаси XIX асргача давом этди. Улар орасида Сулаймон Боқирғоний, Камол шайх Иқоний, Шамс Ўзгандий, Қул Убайдий, Худойдод, Азим Хожа сингари сиймолар ҳикматларининг ҳажми ва салмоғи жиҳатидан бошқа издошлардан яққол ажралиб туради.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли “Яссавийлик манбаларида ҳикматнавис шоирлар зикри”[33] деб номланган. Бу фаслда Сулаймон Ҳаким ота, Камол шайх Иқоний, Шамс Ўзгандий, Худойдод сингари ижодкорларга оид тарихий ва маноқибий, шунингдек, Убайдий, Азим Хожа сингари ҳикматнависларга тегишли автобиографик характердаги маълумотлар келтирилган.

Жумладан, Фитрат ва Фуод Кўпрулу ўз тадқиқотларида Ҳаким Сулаймон отага алоҳида эътибор қаратади ҳамда унинг пири сингари машҳур бўлгани ва Яссавийдан сўнг ҳикмат айтиш анъанасини биринчи бўлиб бошлаб берганини алоҳида таъкидлайдилар[34]. Алишер Навоий ҳам «Насойим ул- муҳаббат»да Ҳаким Сулаймон ота ҳақида ҳам тўхталиб ўтган[35].

Фахруддин Али Сафийнинг (1463- 1503) машҳур Шайх Хожа Аҳрори Валийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” асарида Сулаймон Ҳаким ота икки шахс сифатида келтирилган[36]. Худди шу маълумотларнинг ўзи “Самарат ул-машойих”да қайд қилинган[37]. Муаллиф улар ҳақида “Рашаҳот”да хабар берилганлигини ёзади. “Самарат ул-

---

[32] Юқорида зикр этилган шоирларнинг ҳикматлари ва шеърлари «Каталог»да «Мискин Азим», «Азим Хожа», «Эшон Азим» (47, 71, 103, 108, 145, 168, 171,181,191,195, 228, 225, 226, 238, 239, 251- бетлар), «Низомий» (144, 183, 204- бетлар), Гулшаний (171- бет), «Жалолиддин», «Сайид Жалол», «Эшон Жалолиддин Хожа» (103, 108, 144, 171, 177, 183, 204, 226, 251, 265- бетлар) тахаллуслари билан қайд этилган.

[33] «Ҳикматнавис шоирлар» деганда, яссавиёна услубда ҳикмат ёзган ижодкорлар назарда тутилган.

[34] Koprulu F. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Ankara: Dıyanet İşleri Başkanlığı yayınları, 1991. S. 172- 174. Абдурауф Фитрат. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар // Маориф ва ўқитувчи. – Тошкент, 1928. №5-6.

[35] Алишер Навоий. Асарлар. Йигирма томлик. 17- том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.420.

[36] Сулаймон ота билан Ҳаким отани икки шахс қилиб кўрсатилганини “Рашаҳот”ни нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний ва Б. Умрзоқ ҳам хато деб кўрсатганлар. Бу ҳақда қаранг: Рашаҳоту айнил-ҳаёт. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б.25.

[37] Саййид Зинда Али Муфти Хожа Мир ал-Ҳусайний ал-Бухорийнинг ثمرات المشايخ асари ҳижрий 1091 (мелодий 1680) йили форсий тилда ёзилган бўлиб, муаллифнинг ўзи тарафидан ҳижрий 1101 (мелодий 1690) йили кўчирилган қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. «Самаратул-машойих” нафақат Яссавий издошлари, балки Ўрта Осиё тасаввуф тарихи ва тасаввуф адабиётини ўрганишда қимматли манбалардан биридир. Асарда Кубравия, Яссавия ҳамда Нақшбандия тариқатлари силсиласидаги шайхлар ҳақида маълумот берилган. Жумладан, Жаҳрия ёки Яссавия тариқати силсиласини ташкил қилган 32 машойих тартиб билан келтирилган.

машойих” муаллифи “Ламаҳот мин нафоҳот ал-қудс”[38] асаридан ҳам ижодий фойдаланганлиги кўриниб туради. «Рашаҳот»да келтирилмаган Ҳаким отанинг Хоразмга юборилиши, туянинг чўкиши, Буғрохоннинг қизи Анбар онага уйланиши воқеаларини эса «Ламаҳот»дан олиб баён қилади (в.187б). Ҳаким отанинг завжаси Буғрахоннинг қизи Анбар она бўлганлиги, Ҳаким ота вафотидан сўнг унинг Занги ота никоҳига ўтиши воқеаси баён қилинган[39].

“Самарат ул-машойих” асари асосида машҳур ҳикматнавис шоирлар Камол шайх Иқоний, Мавлоно Шамс Ўзгандий ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Муршидлик ва ҳикматнавислик анъанасини давом эттирганликлари улар билан боғлиқ ибратли воқеалар асосида очиб берилган.

Ҳикматнавис шоирларга тегишли маълумотларни тадқиқ этилар экан, яна бир жиҳатни алоҳида эътироф этиш керак. Камол шайх Иқоний ҳамда Шамс Ўзгандийга оид баъзи маълумотлар худди Аҳмад Яссавийникидек маноқибий характерга эга.

“Ламаҳот”да шайх Худойдод «тариқат султони”, “ҳақиқат ҳужжати”, “орифлар қутби”, “бузруклар ғавси”, “зоҳир ва ботин илмларни жамлаган ориф”, “тажрид ва тафридда ўз даврининг ягонаси” сифатида тилга олинади. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккир ул-аҳбоб”ида форсий шеърларидан намуналар келтирилган. Шарафиддин Роқимийнинг «Тарихи томм» асарида келтирилган воқеалардан Худойдоднинг XVI асрнинг биринчи чорагида мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим шахслардан бири эканлиги аён бўлади[40].

Яссавий издошларидан яна бири XVI аср Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган давлат арбоби ва истеъдодли санъаткор Убайдуллахондир. У ҳофизи Қуръон, тафсир, фиқҳ ва ҳадис каби исломий илмларни эгаллаган олим, наққош ва мусиқашунос санъаткор, маърифатли ҳукмдор, ўз даврининг йирик талантли шоири бўлиши билан бирга Хожа Аҳмад Яссавий анъаналарини шеъриятдаги йирик давомчиларидан бири эди. У 1540 йили (ҳ. 945-946) касаллик сабаб вафот этади ҳамда Хожа Нақшбандийнинг оёқ тарафига дафн этилади[41].

Хожа Аҳмад Яссавий издошларидан бири XIX асрда яшаб ижод этган шоир Азим Хожадир. Бу шоир ҳақида Пўлатжон Домулла Қаюмийнинг «Тазкираи Қаюмий» асарида маълумотлар келтирилган[42]. XIX асрда яшаб ижод этган мутасаввиф шоир Азим Хожа Эшоннинг “буюк пир” асарларидан

---

[38] لمحات من نفحات القدس Олим шайх томонидан (мелодий 1590 йиллар) ёзилган. Асар жуда машҳур бўлганлигидан унинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари бизгача етиб келган. Биз бу тадқиқотимизда Ҳожи Муҳаммад бин Мулло Охунд томонидан ҳижрий 1244 (мелодий 1838) йили Туркистонда кўчирилган нусхадан фойдаландик. Бундан сўнг қисқача «Ламаҳот» тарзда ифодалаймиз.

[39] Нисорий Ҳ. Музаккири аҳбоб. Таржимон ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Тошкент: А.Қодирий, 1993. – Б. 344.

[40] Роқимий Ш. Тарихи Томм. – Тошкент: Маънавият, 1998.

[41] М. Абдуллаев ўзининг «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» деб номланган номзодлик диссертацияси I бобида Убайдий ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериб ўтади. Кўрсатилган манба. – Б.12- 32.

[42] Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий I. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – Б. 184.

файз олиши, ўзи ҳам Яссавиёна шеърлар ёзиши, ҳатто девон тузиши Яссавий таъсири нуқтаи назаридан муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **Ўзбек адабиёти тарихида ҳикмат жанри такомили** деб номланган. Бобнинг "Ҳикмат жанри ва издошлик анъанаси" мавзуидаги биринчи фаслида адабий тур ва жанрлар, айниқса, ўзбек мумтоз шеърияти жанрлари таснифида ҳикмат жанрига оид шу кунгача бўлган қарашлар текширилган, муносабат билдирилган. Ҳикматнавис шоирларнинг ҳар жиҳати (вазн ва шакл, мавзу ва ғоя, тил) билан Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган пайрав ҳикматлари анъанавийлиги яссавийшуносликнинг "Девони ҳикмат"даги шеърларнинг муаллифлик масаласига боғлаб ўрганилган.

Ўзбек мумтоз адабиёти жанрларига оид назарий масалаларни ҳам етарли ўрганилган деб бўлмайди. Ўзбек мумтоз шеърияти жанрлари таснифига бағишланган тадқиқотларда[43] ҳикмат шеърий жанр сифатида жой олмаган.

Ҳикмат деб аталган шеърларнинг пайдо бўлиши эса бевосита Хожа Аҳмад Яссавий шахси ва фаолияти билан боғлиқ. Ўзи айтган шеърий пандномаларни Яссавий «ҳикмат» деб номлаган. «Ҳикмат» деб аталган шеърлари халқимизнинг адабий, маънавий ва маърифий ҳаётида муҳим роль ўйнади[44].

Х асрдан бошлаб диний-тасаввуфий асарларга ҳикмат дейилган[45]да поэтик жанр назарда тутилмаган, балки дидактик-фалсафий мазмун эътиборга олинган.

Ҳикмат сўзининг маъноси Қуръон тафсирларида «собитқадамлик», яъни «сўз ва амалнинг бирлиги» сифатида талқин қилинади[46]. Элмалили М. Ҳамди Язир тафсирида ҳикмат сўзининг йигирмадан ортиқ маъноси келтирилган[47]. Умумий маънода ҳикмат барча чиройли илм ва фойдали ишнинг номини ифодалайди.

«Девони ҳикмат»да ҳикмат маъносига монанд «сўз», «нукта», «илҳом» сўзлари қўлланган. Аҳмад Яссавийнинг ўзи «Девони ҳикмат»да бу

---

[43] О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвиддинов Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Эпос. – Тошкент: ФАН, 1992. Бу жилдни У. Тўйчиев ёзган. Orzibekov R. O'zbek lirik she'riyati janrlari. – Toshkent: Fan, 2006.

[44] Тадқиқотларда *ҳикмат*- «фикрлаш малакасининг ўрта ҳолда бўлиши; тадбиқ ила амалга ошувчи, тажриба билан эришиладиган тўғри билим; Ҳаққа мувофиқ сўз; ҳамма нарсанинг энг мукаммали; ҳикмат Аллоҳнинг лашкари бўлиб, у орқали Аллоҳ авлиёнинг қалбларига қувват бағишлайди; тасаввуфий шеърларга ҳикмат дейилади. Ҳикмат – билимдонлик, донишмандлик, фалсафа, махфий сир, ақлу ҳақиқатга тўғри келадиган нозик маъноли қисқа сўз, масал; ашёнинг аҳволидан: зоҳирий ва ботиний кайфиятидан баҳс этувчи илм; ахлоқ ва ҳақиқатга доир фойдали мухтасар сўз; Аллоҳга итоат; ақл, сўз ва ҳаракатдаги уйғунлик". Қаранг: Ҳасанов Н.Д. Султон Аҳмад Хазинийнинг «Жавоҳирул аброр мин амвожил биҳор» асари ва унинг яссавийшуносликдаги илмий- тарихий қиммати, ном. дис...Т., 1999. – Б.47. Uludag S. Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul: Kabalcı, 1995. Тўйчиев У. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Эпос. – Тошкент: ФАН, 1992. – Б. 68-69; Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 148-149.

[45] Koprulu F. a. g. e. S. 119.

[46] «У ўзи истаганга ҳикмат (фойдали билим) беради». Қаранг: Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. Бақара сураси, 269- оят.

[47] E. M. Hamdi Yazir. Hak dini Kuran dili 2. –Istanbul: Zehrayeyin, 2017. S. 204- 225.

шеърларни ҳикмат деб номлади. Ҳикматнавис шоирлар яссавиёна услуб ва руҳда ёзилган шеърларини анъанага мувофиқ иш тутиб, «ҳикмат» деб номлайдилар, ўзларининг шеърларини ҳикмат эканлигини эътироф этадилар. Масалан, XVI аср ҳикматнавис шоири Убайдий:

Ҳикмат аҳлидек агарчи айтадур ҳикмат вале,
Қул Убайдий бор дурур шарманда ўз гуфторидин, (356в.)

дея ўз шеърларини ҳикмат дея атайди.

Яссавий издошлари ҳикмат деганда дидактик-фалсафий, афористик мазмундаги шеърни эмас, айнан "Девони ҳикмат" ва унга тақлидан ёзилган ашъорни назарда тутганлар. Демак, ҳикмат XII-XIX асрларда алоҳида шеър жанри хусусиятига эга бўлди.

Пўлотжон Домулла Қаюмов ўзининг "Тазкираи Қаюмий" асарида махсус мусиқий оҳангга солиб ўқиладиган шеърларни "**навҳали ашъор"** деб атайди[48]. Ҳикмат алоҳида шеърий жанр сифатида қуйидаги хусусиятларга эга: 1. Вазн хусусияти (Бармоқ шеър тизимида ёзилганлиги) 2. Синкретик хусусияти (сўз ва мусиқа уйғунлигида айтилиши) 3. Ижрочилик хусусияти**.** **(**Ҳикматларнинг махсус қобилиятли нотиқ ва ҳофизлар томонидан ўқилиши) 4. Ритуаллик хусусияти. (Зикр мажлисларида халқа бўлиб ёддан айтилиши, кейинчалик эса ҳикмат ўқиш учун махсус маросимлар ташкил қилиниши). Юқоридаги келтирилган фикр-мулоҳазалар асосида "Ҳикмат алоҳида хусусиятларга эга шеърий жанр" деган хулосага келдик.

Яссавий издошлари ва мухлислари учун бирламчи манба, шубҳасиз, «Девони ҳикмат» бўлган. Шунинг учун улар айнан «Девони ҳикмат» анъаналарига содиқ қолган ҳолда ижод қилганлар. Яссавийшуносликда «Девони ҳикмат»даги шеърларнинг муаллифлиги билан боғлиқ муаммо ва масалалар мавжудлиги янги гап эмас. Биз қуйида ҳикматнавис шоирлар ижодидаги издошлик анъанасини ушбу масалага боғлаб текширдик. Турли нусхалардаги бир хил ҳикматда икки турли шоир тахаллусининг қўлланиши ҳам бу эҳтимолни кучайтиришга хизмат қилди. А. Боровков ўз тадқиқотларида шундай ҳикматларга суяниб, қолганлари ҳам Яссавийга оид эмаслиги ҳақида фикр билдирган[49]. Баъзи олимлар «Девони ҳикмат» тилининг соддалигидан ҳам шубҳаланишади ва XIX аср Қўқон хонлиги лаҳжасига яқинлигини таъкидлайдилар. Яссавий издошлари ижодига мансуб

---

[48] Бу маълумот XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида (1863-1923) яшаб ижод этган Зиёвуддин Ҳазинийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда учрайди: "...Мадрасаи Жомеъда адабиётдан илми сарф, нахв, луғат таҳсилига киришса ҳам итмом этмаган тасаввуф руҳидаги тарбияси кучлилиқ этиб, Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикмат" номли асари устида фикр юритиб **навҳали ашъор**ни мутолаа эта бошлаган...". Қаранг: Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий III. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – Б.562.

[49] Туркистонга боролук, хизматинда туролук, Улуш берса олалик, шайхим Аҳмад Яссавий... Қозон нашрининг 179- рақамли нусхасида ушбу охирги ҳикмат муридлари Бобомочин ва Ҳаким Ота Сулаймон тахаллуслари билан битган. ЎзФА ШҚИ фондида сақланаётган 1564- рақамли қўлёзма (86б, 87б- бетлар) девонда ушбу ҳикмат «Мулло Шамсиддин» тахаллуси билан берилган. Қаранг: А. Боровков. «Очерки по истории узбекского языка. (Опеределение языка хикматов Ахмада Ясеви)». С. Востоковедение. V. – Москва: Литературоведение, 1973. стр. 229.

энг кўҳна ва ишончли манба Убайдийнинг «Куллиёт»[50]и ҳисобланади. Убайдий шеърлари тилининг соддалиги билан қўлимизда мавжуд «Девони ҳикмат»дан катта фарқ қилмайди.

Яссавийшунос олим Н. Ҳасан ўз тадқиқотида «Жавоҳирул-аброр»да келтирилган бир ҳикматни 1836 ва 1904 йилларда Қозонда босилган нусхалардаги матнга қиёслайди ва фақатгина фарқли сўзларгагина муқояса этилишини аниқлайди ҳамда жадвалда кўрсатиб ўтади[51].

Олим тузган жадвалдан маълум бўлишича, баъзи сўзлар ўзгаришга учраган бўлса ҳам, ҳикматнинг ғоявий мазмунига путур етмаган.

Аҳмад Яссавийга издошлик анъанасини кўрсатиб турувчи мезонлардан яна бири ҳикматнавис шоирлар томонидан ёзилган пайрав ҳикматлардир. Масалан, «Жавоҳирул- аброр»да келтирилган «ичинда» радифли ҳикмат таъсирида Қул Убайдий пайрав ёзган:

Ёрики, эй рафиқим сиғмас жаҳон ичинда,
Сиғмағлиғи ажабдур бир зарра жон ичинда.
Жон каби сиррин асраб истанг кўнглунда они,
Манзил Анга кўнгулдур кавну макон ичинда...

Мазкур ҳикматдаги «бир зарра жон», «кўнгул», «кавну макон», «жавлону жилваси», «дард ва дармон», «ориф», «ирфон» каби ибора, рамз ва образлар, шунингдек, шеърнинг Яссавий ҳикматига хос вазн ва шаклдалиги ва ниҳоят, ҳар байтнинг «ичинда» радифи билан тугалланиши бевосита Яссавий ҳикматига пайрав усулида ёзилганлигини тасдиқлайди.

Убайдийнинг «Кўч айладик, эй рафиқ, олам бари кўчаро», «Ҳақ ишқининг телбаси телбаликдин этаро» (К 233, 250в.) деб бошланувчи ҳикматлари Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро» ҳикмати оҳанги, руҳида ёзилган.

Худди шунингдек, Мискиний («Сўфинақш бўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг»), Худойдод («Ё илоҳим нечук сени тобғой мано»), Қул Сулаймоннинг («Эшитгулик дўстлар дуо қилмиш керак») ва бошқа ҳикматнависларнинг ўнлаб ҳикматлари «Девони ҳикмат»даги шеърлар сингари бир хил вазн ва қофия[52], мавзу ва ғояда ифодаланганига қарамай, тахаллуслар ҳамда жойлашиш ўрнига кўра Яссавийга издошлик қилган шоирларга тегишли асар эканлиги билан яққол фарқланиб туради.

Яссавий издошлари “Девони ҳикмат”даги шеърларга пайрав услубида ўнлаб ҳикматлар ёздилар. Бу ҳикматларда ҳар жиҳатдан яссавиёналик анъаналари сақлаб қолинган. Котиблар томонидан йўл қўйилган баъзи хатолар туфайли «Девони ҳикмат»даги айрим ҳикматларни кейинги

---

[50] Убайдий шарқ шеъриятининг бир қатор жанрларида қалам тебратган шоир эди. Унинг бизгача етиб келган энг муҳим асари كليات عبيدى деб номланган. «Куллиёт» ҳ. 991, м. 1583 йилда Мир Ҳусайн ал- Ҳусайний томонидан кўчирилган. «Куллиёт»да арабча, форсча ва туркийда битилган шеърлар мавжуд бўлиб, ундан яссавиёна руҳда битилган 240 дан ортиқ ҳикмат ҳам ўрин олган. Ўз ФАШҚИ, 8931- рақамли қўлёзма.

[51] Ўша манба. – Б.51.

[52] Вазн ва қофия масаласига кейинги бобда батафсил тўхталиб ўтамиз.

даврларда издошлари томонидан ёзилган, дейиш билан бу асарнинг аҳамиятига соя солиш унчалик тўғри эмас. Юқорида айтилганлар “Девони ҳикмат” муаллифлик масаласини ҳал қилмаса ҳам, ўринсиз шубҳа-гумонларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

Бобнинг кейинги фасли **«Ҳикматнавис шоирлар ижодининг маърифий асослари»** деб номланган. Бу фаслда Сулаймон Боқирғоний, Убайдий, Шамс Ўзгандий, Иқоний, Худойдод, Азим Хожа каби ҳикматнавис шоирларнинг ирфоний-тасаввуфий ҳамда дидактик-ахлоқий ғоялар ифодаланган шеърлари тадқиқ этилган. «Девони ҳикмат»даги шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мавзусидаги ҳикматларда солик ва толиби ҳақларга мақсад сари қандай йўл тутиш зарурлиги уқтирилади. Ҳикматнавис шоирлар ижодида ҳам шу анъана давом этган. Айниқса, Сулаймон Боқирғоний бу сифатларни ўз шайхи Аҳмад Яссавийда мавжуд эканлигини бир ҳикматида тилга олади:

Шариатни сўзлаган, ҳақиқатни излаган,
Ҳақиқатни билдирган, шайхим Аҳмад Яссавий.
Шариати ораста, тариқати пайваста,
Ҳақиқатда шойиста, шайхим Аҳмад Яссавий. (Б.К.7А)

«Девони ҳикмат»да ифодаланган шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқатга эришиб бўлмаслиги ҳақидаги қарашлар Яссавий издошлари ижодида ҳам такрорланган. Бундай ҳикматлар Сулаймон Боқирғоний, Азим Хожа, Убайдий ҳикматларида кўпроқ қайтарилган.

Сулаймон Боқирғонийнинг «Боқирғон китоби»да ишқий-тасаввуфий ҳикматлар ва диний қиссалардан ташқари мунозара руҳида ёзилган бир неча шеърлар мавжуд. Улардан «Учмох ва тамуғ», «Мен ва иблис», «Руҳ ва нафс» мунозаралари таҳлил қилинган.

«Девони ҳикмат»нинг мавзу ва ғоявий мундарижаси жуда кенг. Унда ишқ ва ошиқлик, ҳақиқий ишқнинг энг нозик қирраларига муносабат билдирилади[53]. Яссавий издошларининг ўз пирларига эргашиб ёзган ҳикматларида ҳам ишқ етакчи мавзулардан бири ҳисобланади. Борлиқ ва мавжудликнинг мазмуни, маънавий покликнинг манбаи, жаҳолат, нодонлик, ва барча қабоҳатларнинг сабаби ишқсизлик, инсонни саодатга, мақсадга етказувчи илоҳий қувват ишқдир деган ғоя Сулаймон Боқирғоний ижодида давом эттирилган.

---

[53] «Девони ҳикмат» мавзуси ва ишқий қарашлар ҳақида адабиётшунос олим И. Ҳаққулов шундай ёзади: «Девони ҳикмат»да шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат сирлари, ориф ва орифлик, валий, эран, дарвеш ва дарвешлик, фақр, фано, адаб, зикр, хилват, ишқ ва бошқа тасаввуф таълимоти ҳамда яссавийликка хос мавзулар қуруқ насиҳатчи эмас, узоқни кўра оладиган файласуф, етарли ҳаётий тажрибага эга донишманд, ботини Яратган ва яратилганлар дарди билан тўлган ошиқ, кўнгилларни поклайдиган сўфий тилидан баён қилинади. Сўфийлик дил поклиги ва Руҳ комиллигига ўргатувчи таълимотдир. Тасаввуфдаги кўп фикрлар нафс ва ахлоқ, Руҳ ва Ишқ тўғрисида. Тасаввуф тарихидан маълумки, ишқ тўғрисида гапириш осон кечмаган. Бир гуруҳ мутасаввифлар бу мавзуга қарши чиққанлар. Қуръонда «ишқ» калимаси ўрнига «муҳаббат» сўзи қўлланган. Ишқ ҳақида биринчи бўлиб Абдуллоҳ Нурий сўзлаган экан. Илоҳий ишқни шеърий кўринишда биринчи бўлиб Робиятул Адавия ифодалаган экан. (Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000 й.)

Ҳақиқий ошиқнинг ҳеч иккиланмай жондан кечиши «Девони ҳикмат»даги етакчи ғоялардан бири ҳисобланади:

Ман йигирма саккиз ёшда ошиқ бўлдум,
Жондин кечиб, меҳнат тортиб содиқ бўлдум. (Д.Ҳ. 4)

Яссавий издошларидан бўлган Убайдийнинг ўз ҳикматларида ушбу ғояни давом эттиргани, бу мавзуда улуғ пирга эргашгани, «Девони ҳикмат» руҳи ва услубида ижод этгани шеърий таҳлиллар асосида ёритилган:

Эй дўстлар, жондин кечиб, ишқ этокин туттум мано,
Ваҳдат майин ичкунча не хуноблар юттум мано. (К. 247в)

Ишқ ва ошиқлик талқинида Убайдий ва Азим Хожа ижодида баъзи фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Убайдий ўз ҳикматларида баъзан «Девони ҳикмат»даги «ошиқ» сўзига муқобил «муҳиб» ва “ҳабиб” каби истилоҳларни қўллаган ва иштиқоқ санъатидан самарали фойдаланган:

Билингким одам эмастур муҳиб аҳли аро,
Анинг муҳаббатидин кўнгли тўлмағон одам.(К.352в)

Азим Хожа ўзининг кўп ҳикматларида «ишқ» сўзига муқобил «ҳубб»ни қўллаган:

Суҳбат ичра тушоли, майдек қайнаб тошоли,
Ҳубб ўтига пишоли, хуш айтолук «Аллоҳ ҳу». (А.Х. 38б)

Ишқ ўтида ёниб, пишиб, Аллоҳ зикрини айтиш кераклиги ҳақидаги фикрда кўриниб турганидек «ҳубб» сўзи қўлланган.

Яссавийликда зикрнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шунинг учун бўлса керак, Яссавий издошлари ижодида зикр энг кўп ишланган мавзулардан биридир. Шамс Ўзгандий ўз ҳикматида мана шу масалага эътиборни қаратади:

Қилиб жонингни ҳамиша, сарф қил ҳақ зикрина,
Зикри қалбинг бўлмаса, зикри забонингдин не суд. (Б.К.18е)

Шунингдек, Убайдий, Иқоний, Худойдод, Азим Хожа сингари шоирлар ижодида зикр ҳақиқий давлат, ошиқлик нишони, имон саломатлигининг гарови, гуноҳларнинг дардига дори, яшашнинг мазмун ва моҳияти, Ҳаққа яқинлаштирувчи восита, кўнгулларни қоронғулик оламидан чиқарувчи зиё, бузуқ кўнгулларни маъмур этувчи халоскор сифатида талқин қилинади. Яссавий издошлари зикр мавзуси асосида илгари сурилган ғоялар баёнида ҳам ўз пирларига эргашганликлари яққол кўзга ташланади.

Яссавийликда ҳамда «Девони ҳикмат»даги ғайрат, ҳайрат, хавф ва ражо, тавба, фано, бақо, нафс ва шайтонни маҳв этиш, дунёдан узоқлашмоқ, «мавту қабла ан тамуту», ўлимни эслаш, пир, муршид, мурид, толибга тавсиялар, жаннат ва жаҳаннам таърифи сингари мавзу ва ғоялар Яссавий издошлари ижодида ҳам давом эттирилган. Бу масала яссавийликда муҳим ўрин тутган ишқ, зикр, хилват, суҳбат сингари муҳим мавзулар Сулаймон Боқирғоний, Убайдий, Иқоний, Шамс Ўзгандий, Худойдод, Азим Хожа ҳикматлари мисолида таҳлил қилинган.

